



## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Турдиев Лазиз Зарифович**

ИИБ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқ  
кафедраси дотценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20509893>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil  
Ma'qullandi: 28-may 2026 yil  
Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

### KEY WORDS

Далилларни тўплашда  
фойдаланиладиган техник  
воситалар қаторига қидирув  
воситалари, жиноят излари ва  
ашёвий далилларни олиш  
воситалари, маълумотларни  
қайд қилиш воситаларини  
киритиш мумкин.

### ABSTRACT

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ  
ислоҳотларининг мақсадини жиноят-процессуал  
қонунини бугунги амалиёт эҳтиёжларига мос  
равишда такомиллаштириш масаласи эгаллаган.  
Зеро жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг  
самарали тизими – қонунийлик ва ҳуқуқ-  
тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва  
эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари,  
тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилишга  
хизмат қилади.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мақсадини жиноят-процессуал қонунини бугунги амалиёт эҳтиёжларига мос равишда такомиллаштириш масаласи эгаллаган. Зеро жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг самарали тизими – қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Маълумки, жиноят иши бўйича далил сифатида ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар хизмат қилади.

ЖПКнинг 81-моддаси иккинчи қисми талабларига кўра гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар ҳақиқий маълумотларнинг манбаи бўлиб хисобланади.

ЖПК талабларига мувофиқ далиллар қонунда тартибга солинган усуллар ва воситалар орқали тўпланади. Далилларни тўплаш усуллари бўлиб тергов ҳаракатлари, суд ҳаракатлари, бошқа процессуал ҳаракатлар ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари

хизмат қилади.

Далилларни тўплашда замонавий техник воситалар ва махсус билимларга эга бўлган эксперт, мутахассисларнинг шунингдек таржимоннинг кўмагидан фойдаланилади.

Далилларни тўплашда фойдаланиладиган техник воситалар қаторига қидирув воситалари, жиноят излари ва ашёвий далилларни олиш воситалари, маълумотларни қайд қилиш воситаларини киритиш мумкин. Қидирув воситаларига метал қидиргичлар, қидирув итлари, ультра-бинафша ва инфрақизилнур орқали қидирувчи воситаларни, жиноят излари ва ашёвий далилларни олиш воситаларига бармоқ изларини олувчи дактоплёнкалар, кукунлар, қолиплар, махсус ўрамлар, қопчаларни, маълумотларни қайд қилиш воситаларига аудио ва видео ёзиш воситалари, фотоаппаратлар, ахборот технологиялари, ёзув ва чизув қуроллари ва бошқалар киради.

Далилларни тўплашнинг мақсади бу тергов, суд ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш натижасида жиноят ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни олиш ва уни процессуал мустаҳкамлаш ҳисобланади. Ана шундай ҳаракатларни амалга оширишнинг натижаси бўлиб белгиланган шаклларда мустаҳкамланган маълумотлар хизмат қилиши керак. ЖПК 87-моддасининг биринчи қисмида далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билангина тўпланиши мумкинлиги қайд этилган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, далиллар фақатгина тергов ва суд ҳаракатларини юритиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ваколатига эга бўлган субъектлар томонидангина тўпланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги қонуни асосида ЖПКнинг 87-моддасининг иккинчи қисмига киритилган ўзгартиш билан ҳимоячининг жиноят процессидаги иштирокига оид процессуал қоидаларга тегишли қўшимчалар киритилиб, у далил тўплаш ваколатига эга бўлганлиги албатта қувонарли ҳолат.

Бироқ, ЖПКнинг 87-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган процессуал қоидаги мувофиқ ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли. Улар жиноят иши материалларига кўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозимлиги ҳамда ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Фикримизча, ЖПКнинг 87-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган процессуал қоидалар бир-бирига зиддир.

Чунки, агарда ЖПКнинг 87-моддасининг биринчи қисми бўйича далиллар тергов ва суд ҳаракатлари, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланса, ЖПКнинг 87-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳимоячининг ҳаракатлари ушбу процессуал ҳаракатлар ёки тадбирларнинг қайси турига киради? Ёки ҳимоячи ЖПКда ва Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 14-моддасида белгиланган тезкор-

қидирув тадбирларининг қайси бирини ўтказиш ваколатига эга? Бизнингча, бу саволлар ўринли ва ечимини кутаётган муаммо бўлиб ҳисобланади.

ЖПКнинг бирор-бир нормасида ҳимоячига тергов ва суд ҳаракатларини юритиш ёки тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ваколати берилмаган. Ҳолбуки ҳимоячининг жиноят иши бўйича далилларни тўплаши масаласи кодексда ўз аксини топган бўлсада, унга ЖПКнинг 87-моддасининг биринчи қисмида далилларни тўплаш тартиби бўйича белгиланган процессуал қоида тўсиқ бўлмоқда.

Демак, ҳимоячига далилларни тўплаш ваколатининг берилиши ёки берилмаслиги, агар ҳимоячига далил тўплаш ваколати берилса унинг ҳаракатлари қайси процессуал ҳаракатга кириши, жиноят процессида ҳимоячининг далилларни тўплаш бўйича ҳаракат механизмини ёритишга оид адабиётларда турли баҳс ва мунозаралар мавжудлиги кўзга ташланади.

Бу масаладаги назарий қарашлар ҳам ҳимоячига далилларни тўплаш ваколатини бериш ёки бермаслик бўйича турли ҳил баҳсли ҳолатларнинг борлигини кўрсатади.

Юқорида келтириб ўтилган таҳлиллар ва биз қўллаб-қувватлаган фикрлардан хулоса қилинганда ЖПК 87-моддасининг биринчи қисми такомиллаштиришга муҳтожлиги кўзга ташланади. ЖПК 87-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари мазмунидаги зиддиятли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида унинг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш бизнингча мақсадга мувофиқдир: Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, шахслардан тушунтиришлар олиш ва уларни сўровдан ўтказиш йўли билан тўпланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <http://www.lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси
4. // <http://lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрдаги қонуни // <http://www.lex.uz>.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги 2012 йил 25 декабрдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2012 й. — 52-сон. — 585-м.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги 1993 йил 7 майдаги қонуни // <http://lex.uz>.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрдаги қонуни//<http://www.lex.uz>.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 августдаги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 168-м.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2014 йил 4 сентябрдаги қонуни // ЎР ҚХТ. – 2014. – №36. – 452-м.

